

**НАВОЙ ВИЛОЯТИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ
МУАММОЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАХЛИЛИ (МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА)**

Фируза Иноятовна ШИРИНОВА

Катта ўқитувчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада мустақилликнинг илк йилларида мактабгача таълим тизими муаммолари, уларнинг ечими, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар, шунингдек, мутахассис ходимлар масаласидаги номутаносибликлар, режасиз тадбирлар, Навоий вилоятида мактабгача таълим ёшидаги болаларни соғломлаштириш, уларни мактабга тайёрлаш бўйича олиб борилган ишлар ҳакида фикр юритилган. Вилоятда мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш истиқболлари ёритилиб, режа ва таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: дастур, мактабгача таълим муассасаси, соғлиқни сақлаш, бола ҳуқуқи, конвенция, таянч, таълим, ходим.

**ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ В НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ (НА ОСНОВЕ
НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ)**

Фируза Иноятовна ШИРИНОВА

Старший преподаватель

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются проблемы в системе дошкольного образования в первые годы независимости, их изучение и решение, международные документы по правам ребенка, а также несоответствия в квалификации кадров-специалистов, внеплановые мероприятия, реализуемая работа в области по оздоровлению детей, их подготовке к школе, перспективы развития дошкольных образовательных учреждений в Навоийской области, планы и предложения.

Ключевые слова: программа, дошкольное учреждение, здравоохранение, права ребенка, конвенция, поддержка, образование, работник.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунларидан бошлиб мактабгача таълим соҳаси муаммоларини бартараф этиш ва соҳани ривожлантириш асосий масала сифатида кўрилиб, бир қатор ислоҳотлар

амалга оширилди. Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар, парламент томонидан тасдиқланган қонунлар келажагимиз бўлган ёш авлоднинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Чунончи, “Соғлом авлод учун” дастурида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Навоий вилояти мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғломлаштириш ва жисмонан ривожлантириш борасида белгиланган ишлар бажарилмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Халқ таълими вазирлиги томонидан маҳсус мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёж ўрганилиб, уларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, дастлаб болалар боғчаларидаги ҳамшира ва шифокорлар малака ошириш институтларида ташкил қилинган курсларда ўз савиясини оширдилар. Аммо бир қатор ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, Навоий вилоятида мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштириш, уларни мактаб таълимига пухта тайёрлаш бўйича олиб борилган ишларда камчиликлар борлиги аниқланган. Жойлардаги соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари ва мутахассис шифокорлар томонидан ўтказилган болаларни ҳар йилги ялпи кўрик натижаларига кўра уларда мавжуд касалликлар ва унинг асоратлари ҳолатларининг аниқланиши касаллик тури бўйича кўрсаткичлари тобора ўсганлиги қайд этилган. Болаларнинг 38 фоизи соғломлаштириш ҳамда тиббий назорат ва ёрдамга муҳтож эканлиги аниқланган [7].

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари вилоятнинг шаҳар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктларида ҳали етарли эмаслиги, ҳудудларда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ шакллантирилмаганлиги, мактабгача таълим ташкилотларида тажрибали педагог ходимлар етишмаслиги, уларнинг педагогик фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга доир ваколатларни амалга оширадиган давлат мактабгача таълим ташкилотининг коллегиал бошқарув

органи мавжуд эмаслиги каби муаммоли жараённи 1992–1994 йиллардаги узлуксиз таълим тизимидағи аянчли ҳолат сифатида санаб ўтиш мумкин.

Вилоят мутасаддилари Навоий педагогика билим юртининг мактабгача таълим йўналиши битирувчилари Кармана туманидаги 4, 5, 6, 7-сонли мактабгача таълим муассасаларида педагогик амалиёт ўташ билан бир вақтда янги педагогик тажриба асосида машғулотлар ташкил этишган. Педагогика билим юрти методист педагогларининг ҳаракати туфайли мазкур боғчалар замонавий кўргазмалар, ишчи дастурлар ва календарь мавзувий режалар билан таъминланган [6].

Мустақиллик йилларида мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг қонуний асослари 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланган. 1997 йил БМТ томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ҳам болалар ҳуқуқлари, уларни ҳимоялаш ва тарбиялаш масалаларини назорат қиласи. Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун маҳсус ҳуқуқий база шаклланган. Бола ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” ва таълим соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси 1992 йили БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги [1] конвенциясини ратификация қилиши билан жамиятимизда бола ҳуқуқлари нақадар долзарб масала эканлигини чуқур эътироф этилди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашда қонунчилик ҳужжатлари ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция билан бир қаторда, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро” пакт, “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция каби инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро шартномаларга ҳам таянилади. Бугунги кунгача Ўзбекистон 70 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида бола

хуқуқларига оид халқаро нормалар муҳим аҳамият касб этади. 1995 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида бўлишлари учун ота-оналаридан олинадиган ҳақ миқдорлари тўғрисида"ги 441-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1999 йил 22 июндаги 313-сон, "Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2007 йил 25 октябрда 225-сон қарорларида мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, унинг узлуксизлигига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ўз уставига амал қиласиди [4] деб кўрсатиб ўтилган.

Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш; бола шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишиларини ривожлантириш; боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш; боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш; болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш; болаларни мактабда ўқишига тайёрлашдан иборат.

Мактабгача таълим муассасалари ишининг ўзига хослигига мувофиқ қуйидаги типларга бўлинади:

умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси;

ихтисослаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун) мактабгача таълим муассасаси;

санаторий типидаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга ега бўлган болалар учун) мактабгача таълим муассасалари.

Мактабгача таълим муассасасининг иш режими ва болаларнинг уерда қанча вақт бўлиши мактабгача таълим муассасаси устави ва муассиснинг қарори билан белгиланади. Таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш мактабгача таълим муассасасига юкланди ҳамда Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилади. Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам штатдаги тиббиёт ходимлари ҳам мактабгача таълим муассасаларига биритирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўtkазилиши, санитария-гигiena нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар. Шу мақсадда 1992 йил 26 июнда Вазирлар Маҳкамасининг 298-сонли қарори, 1994 йил Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 15 сентябрь 492-сонли қўшма буйруғи чиқарилган. Унда ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича “ишонч хизмати” ташкил этилган. 1996 йил 2 январда Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғида республика реабилитация ва уй шароитларида даволанаётган мактабгача ёшдаги болалар учун махсус дастурларни тузиш бўйича ўқитишни ташкил этиш ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида бола тарбияси шароитларини яхшилаш, вақти- вақти билан унинг бошқарилишини текшириб туриш масаласи кўриб чиқилган. 2006 йил февраль ойидаги республика мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган тиббий таҳлил натижаларига кўра

унда гепатит, ошқозон ва буйрак касаллilikлари билан касалланган болалар аниқланган [7].

Мактабгача таълим муассасаси ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юкланди. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига махсус хона ажратилиб, унинг ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратилди. Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўрикдан ўтадилар, бунинг учун сарфланган харажатлар давлат томонидан ажратиладиган маблағлар доирасида белгиланди. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланди. Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 1996 йил 2 январда имзоланган қўшма буйруғида “Республика мактабгача тарбия муассасаларида болаларни соғломлаштириш ва жисмонан ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида”ги қўшма қарорида болаларни соғломлаштириш учун вазифалар тўлиқ бажарилмаётганлиги таҳлил этилди. Айниқса, қишлоқ жойларидаги мактабгача таълим муассасалари аҳоли пунктларидан узоқдалиги учун бундай муаммолар мавжудлиги, уларнинг ечими изланаётгани таъкидланди [8].

Мактабгача таълим муассасаси уставида қайд этилган мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиланинг эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пуллик таълим хизматлари кўрсатишга ҳақлидир. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу мактабгача таълим муассасалари болаларни халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг йўлланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим муассасасида гурухлар сони муассасанинг қувватидан ва гурухларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб белгиланади. Бу 2008 ва 2011 йиллардаги “Мактабгача таълим тўғрисида”ги Концепцияда мустаҳкамланган. 2001 йилда Республиканинг 6742 та мактабгача таълим муассасаларида 608500 нафар ўғил-қизлар тарбияланган. Уларда 65862 нафар педагог, тарбиячи ва бошқа ходимлар хизмат қилган.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун мунтазам олиб бориладиган тиббий хизмат йўқ, иш билан банд аҳоли болаларини мактабгача таълим тизимида қамраб олиш, уларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагина эди. Навоий каби кўп миллатли вилоятда мактабгача таълим тизими соҳасидаги муаммолар келиб чиқиши табиий ҳол ҳисобланади. Юқорида келтирилган рақамга асосан йигирма йилдан кейин Навоий вилоятидаги ҳолатни таҳлил киладиган бўлсак, вилоятда 2021 йил яқуни бўйича жами 1140 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлиб, шундан 210 та давлат ва 930 та нодавлат (4 та хусусий, 71 та давлат-хусусий шериклик асосида ва 855 та оиласвий) таълим муассасаларидан иборат эди.

Вилоят бўйича 3–7 ёшдаги болалар сони 80671 нафарни ташкил этган, уларнинг 67761 нафари (давлат – 44578 нафар, нодавлат – 23183 нафар) ёки 84 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинган. Қамраб олинмаган болалар сони эса 12910 нафарни (16 фоиз) ташкил этган. Муассасаларда фаолият кўрсатадиган тарбиячилар малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтказилган. Мактабгача таълим ташкилотлари ҳамширалари сони 44,3 фоизга кўпайтирилган [6]. Мактабгача таълим тизимининг асосий мақсади – бола шахсининг ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш, доимий таълим олиш учун зарур бўлган қўнималарни шакллантириш ва мактабда муваффақиятли ўқишига тайёрлашдан иборат. Мактабгача тарбия муассасалари болаларнинг билими ва амалий қўнималарини шакллантириш билан бирга, уларни ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат, тарихимиз ва бой маънавий-маърифий

меросимиз ва қадриятларимизга юксак хурмат руҳида тарбиялашда мухим ўрин тутади [9].

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомининг қабул қилиниши, мактабгача ва бошланғич таълим тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириди [4].

Вилоят мактабгача таълим муассасаларига мутахассис тайёрлаб берадиган Навоий педагогика билим юрти учун қабул квоталари оширилди. Конимех, Учқудук, Томди туманлари учун мутахассис етишмагани инобатга олиниб, қозоқ гуруҳларига ўқувчилар қабул қилиш имтиёзлари берилди. Методист тарбиячилар иши оммалаштирилди. Улар тажриба ошириш учун чекка ҳудудларга юборилиб, бити्रувчи талabalар амалиёт ўтаётган таълим муассасаларида уларнинг хоҳишига кўра иш билан таъминланди, амалиётчи талabalар стипендияси ўз вақтида етказиб берилди [5].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мактабгача таълим тизими маҳаллий ва халқаро-хуқуқий нормаларга амал қиласи. Бола хуқуқларига оид халқаро хужжатлар ўз навбатида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам бермоқда. Ўзбекистонда бола хуқуқлари ва эркинликлари, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари 100 дан ортиқ қонунлар билан тартибга солинган. 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 7 январь қонуни қабул қилиниб, бу хужжат Ўзбекистоннинг хуқуқ тарихида бола хуқуқларига оид биринчи маҳсус қонун бўлди. Мақсадига кўра мазкур Қонун боланинг хуқуқий аҳволини белгилашга доир муносабатларни тартибга солиш, бола хуқуқ ва эркинликларини юридик кафолатлашга қаратилган. Унга биноан, бола хуқуқлари ва манфаатларини амалда татбиқ этилишини таъминлайдиган асосий обьект ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, қонун нормаларининг ярмидан кўпи бола хуқуқларининг кафолатларини белгилашга бағишлиланган. Инсон хуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги

мамлакатимизда кенг нишонланган. 2008 йилда Ўзбекистон Парламенти бола ҳукуқларига тааллукли 12 та муҳим халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. Бу ҳужжатларнинг барчаси Бутунжаҳон бола ҳукуқлари ҳимоясига қаратилиган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Бола ҳукуклари тўғрисида” конвенция: БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган 44-сессиясида қабул қилинган. Lex.uz
2. Мактабгача таълим соҳасидаги норматив ҳукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрь 225 – сонли қарори. Lex.uz
3. Кадрлар тайёrlаш Миллий Дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда ўтган 9-сессияси.
<https://lex.uz/docs/48401>
4. Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим тўғрисидаги Низоми. Учинчи минг йилликнинг боласи (таянч дастури). //Халқ таълими, 2004. – № 6. – Б.27.
5. Ўзбекистон Миллий архиви. М-26-фонд, 1- рўйхат, 941-жилд, 3- варак.
6. Ўзбекистон Миллий архиви. М-26-фонд, 1-рўйхат, 53-жилд, 13- варак.
7. Ўзбекистон Республикаси Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари Давлат архиви. М-372-фонд, 1- рўйхат, 368-жилд, 3-варак.
8. Ўзбекистон Республикаси Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари Давлат архиви. М-372-фонд, 1- рўйхат, 368-жилд, 4-варак.
9. Навоий вилоят мактабгача таълим муассасалари бошқармаси жорий архиви. 2020 йилнинг 6-ойлик ҳисоботи, 21-варак.